

# **МАДАНИЙ-ТОМОША ХИЗМАТЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ**

**Аннаев А.А.**

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти асистенти

**Аннотация:** Мазкур мақолада маданий томоша хизматларини кўрсатувчи ташкилотларнинг иқтисодий фаолят сифатидаги моҳияти, аҳамияти ва хусусиятларига доир асосий тушунчалар ёритиб берилган.

**Калит сўзлар:** маданий-томуша, хизматлар, самарадорлик.

## **DEVELOPMENT AND INCREASE THE EFFICIENCY OF CULTURAL VIEWING SERVICES**

**Annaev A.A.**

Assistant of the Samarkand Institute of Economics and Service

**Abstract:** This article describes the main concepts of the essence, importance and characteristics of organizations providing cultural entertainment services as an economic activity.

**Keywords:** cultural-spectacle, services, efficiency.

Республикамида мустақиллик йилларида миллий маданият соҳасини шакллантириш ва ривожлантириш борасида дикқатга молик ишлар амалга оширилди. Чунончи, охирги 3 йилда республикамида маданият соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, ушбу соҳага кирувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган кўплаб меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди.

Аҳоли, айниқса, олис ҳудудларда истиқомат қиласидиган фуқароларга маданий дам олиш хизматлари кўрсатиш даражасини ошириш, республиканинг барча ҳудудларида театр, цирк ва бошқа турдаги оммавий-

маданий ва концерт-томуша тадбирларини тизимли равишда йўлга қўйиш, маданият ва санъат соҳасида истеъоддли ёш ижодкорларни излаб топиш ва қўллаб-куватлаш, таълим муассасаларини миллий чолғулар, мусиқа дарсликлари, ноталар тўпламлари ва ўқув-методик адабиётлар билан таъминлашнинг яхлит тизимини яратиш мақсадида, шунингдек, 2022-2026 йилларга мўлжалланган давлат дастурига мувофиқ турли режалар қабул қилинди.

Иқтисодчи олим К.Б.Уразов “Бухгалтерия ҳисоби ва аудиторлик фаолиятини халқаро стандартлар асосида ташкил этишининг долзарб масалалари” мавзусидаги республика илмий-амалий анжуманига берган маколасида маданий томоша хизматларининг иқтисодий кўрсатгичларига алоҳида тўхталиб Маданият ва санъат муассасаларининг даромадлари (тушумлари) улар томонидан ўtkазиладиган тадбирлар (концертлар, спектакллар, театрлаштирилган ва цирк томошалари, ижодий учрашувлар, турли шоудастурлар, фестиваллар, томошаларнинг шакли ва жанридан қатъий назар, бошқа маданий-оммавий тадбирлар) учун олдиндан маълум қийматларда (нархларда) чиқарилган билетлар суммалари йифиндисидан иборат бўлади. Маданий хордик чиқариш масканларида бундай даромадлар бўлиб турли атракционлар, ҳаракатланувчи ва сузувчи воситаларда учиш, сайр қилиш ва бошқалар ҳисобланади.

Мақолада методологик асосларини республикамиз қонунлари, Президентимиз фармонлари, қарорлари, асалари ва маърузалари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Низомлар, йўриқномалар, хорижда ва республикамизда чоп қилинган илмий ишлар, дарсликлар ва қўлланмалар, илмий мақолалар, интернет тармоғи материаллари ҳамда изланишлар олиб борилган корхоналарнинг амалий материаллари ташкил этади.

Аҳоли, айниқса, олис ҳудудларда истиқомат қиласидиган фуқароларга маданий дам олиш хизматлари кўрсатиш даражасини ошириш,

республиканинг барча худудларида театр, цирқ ва бошқа турдаги оммавий-маданий ва концерт-томуша тадбирларини тизимли равишда йўлга қўйиш, маданият ва санъат соҳасида истеъододли ёш ижодкорларни излаб топиш ва қўллаб-қувватлаш, таълим муассасаларини миллий чолғулар, мусиқа дарслклари, ноталар тўпламлари ва ўқув-методик адабиётлар билан таъминлашнинг яхлит тизимини яратиш мақсадида, шунингдек, 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”да амалга оширишга оид давлат дастурига мувофиқ хар бир давлат ташкилоти асосида жойлардаги маданий мухитни миллийликни тарғиб қилишга бўлган харакатлар амалга оширилмоқда.

Маданият ва санат муассасалари фаолияти аудитини тадқиқ қилиш натижасида қўйидаги илмий хуносаларга келинди.

Маданият ва санъат соҳаси муассасалари иқтисодий бирликлар сифатида ўзига хос мақомга, таснифий белгиларга, даромад, сарфлар, таннарх, фойда ва бошқа кўрсаткичларни шакллантиришнинг бошқа тармоқлардан тубдан фарқланувчи тартибларига эга. Ушбу соҳа субъектлари ўзига хос мажбурий ва ташаббус тарзидаги аудит субъектлари сирасига ҳам киради. Бироқ, изланишлар мазкур соҳада аудитнинг хусусиятлари, унинг борган сари равнақ топиши, ўзига хос ташкилий-иқтисодий, молиялаштириш манбалари ва бошқа жиҳатлари бўйича бошқа иқтисодий бирликлардан тубдан фарқ қилишига қарамасдан, етарлича ўрганилмасдан қолмоқда. Давлат ва давлат-шерикчилик мулки асосидаги маданият ва санъат муасссаларида юз берадиган молиявий муносабатлар улар томонидан холис аудит текширувларини зарурат этиб қўяди.

Маданият ва санъат муассасаларининг ташкилий-хукуқий мақоми, фаолият турлари ва уларни молиялаштириш манбалари, корпоратив бошқарув органлари ва инвесторлар талаблари мазкур субъектларда асосан комплекс аудит ва тематик аудитни мажбурий ва ташабbusli тарзларда

ўтказишни тақоза этади. Давлат маблағлари эвазига фаолият юритиш маданият ва санъат муассасаларида ички аудит хизматини ҳам ташкил этишни тақоза этади.

Маданият ва санъат муассасаларида ўтказиладиган барча турдаги аудитнинг асосий мақсади мазкур субъектлар фаолияти, улар молиявий хўжалик фаолияти кўрсаткичларини Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларига мос ҳолда тўғри тан олингандиги, аниқлангандиги, ҳисоб ва ҳисботда реал акс эттирилгандиги тўғрисида исботу-далилларни йиғиши ҳамда бунга аудиторлик баҳосини беришдан иборат.

Хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки Сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш, янги Ўзбекистоннинг янги тарихини яратиш, моддий ва номоддий маданий мерос дурдоналарини сақлаш ва тарғиб этиш, ҳалқ оғзаки ижодиёти ва ҳаваскорлик санъатини янада оммалаштириш, юртимизнинг жаҳон маданий маконига фаол интеграциялашувини таъминлаш, маданият ва санъат соҳасини инновацион ривожлантиришга қаратилган тизимли чоратадбирларни амалга оширилиши устидан назоратни кучайтириш ҳамда жорий қилинган давлат хусусий шерикчилик асосидаги томоша хизматларини кўрсатувчи субектларни кўпайтириш ва давлат томонидан қўллаб қувватлаш керак.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Аренс Э.А., Дж.К. Лоббек. Аудит. Учебник. М.: Финансы и статистика, 2001.
2. Ахмаджонов К.Б. Якубов И.И. Аудит асослари. Дарслик. Т.: Иқтисод-молия, 2010.
3. Дустмуродов Р.Д. Файзиев Ш.Н. Аудит. Ўқув қўлланма. Т.: ТМИ, 2007.